



УДК 615.03:616.36-002(075)

Бекчанова Юлдуз Хайитбаевна
Тошкент тиббиёт академияси
Урганч филиали Катта ўқитувчиси

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ АЙРИМ ШИФОХОНАЛАРИДА ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН ДАВОЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛАРНИНГ ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ

For citation: Bekchanova Yulduz Haitbaevna. Pharmacoepidemiology of hepatoprotectors, used in patients with liver cirrhosis, received treatment in some medical centres of Khorezm region. Journal of hepato-gastroenterology research. 2020, vol. 3, issue 1, pp. 16-19

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1008-2020-3-4>

АННОТАЦИЯ

Хоразм вилоятининг айрим тиббиёт муасасаларида жигар циррози билан даволанган 239 нафар беморнинг касаллик тарихи ретроспектив тарзда фармакоэпидемиологик усуллар бўйича ўрганилди. Ўрганиш мақсадида анкетага Ўзбекистоннинг амалий тиббиётида кенг ишлатилаётган 38 номдаги гепатопротектор киритилди. Қўлга киритилган натижалар асосида маълум бўлдики, Хоразм вилояти тиббиёт бирлашмаларида жигар циррози фармакотерапияси патологик жараённинг ифодаланганлигига нисбатан адекват ва жаҳонда тан олинган гастроэнтерологлар уюшмаси кўрсатмаларига мос тарзда амалга оширилган. Жигар циррозини даволашда шифокорлар гепатопротекторларни алоҳида ёки қўшқинланган шаклда қўллаганлар.

Калит сўзлар: жигар циррози, фармакоэпидемиология, гепатопротекторлар.

Бекчанова Юлдуз Хайитбаевна

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии
Старший преподаватель

ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯ ГЕПАТОПРОТЕКТОРОВ, ИСПОЛЬЗОВАННЫХ У БОЛЬНЫХ С ЦИРРОЗОМ ПЕЧЕНИ, ПОЛУЧИВШИХ ЛЕЧЕНИЯ В НЕКОТОРЫХ ЛЕЧЕБНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

Ретроспективно фармакоэпидемиологическими методами были изучены 239 штук истории болезней больных с циррозом печени, получивших лечения в некоторых лечебных учреждениях Хорезмского вилоята. Для изучения в анкету были включены 38 наименований гепатопротекторов, используемых в практической медицине Узбекистана. Выявлено, что фармакотерапия больных с циррозом печени, получивших лечения в некоторых лечебных учреждениях Хорезмского вилоята, адекватна по выраженности патологического процесса и соответствует рекомендациям, признанным мировым сообществом гастроэнтерологов. При лечении больных с циррозом печени врачами были использованы гепатопротекторы в отдельности, а также в комбинированном виде.

Ключевые слова: цирроз печени, фармакоэпидемиология, гепатопротекторы.

Bekchanova Yulduz Haitbaevna

Urgench branch of the
Tashkent Medical Academy, Senior Lecturer

PHARMACOEPIDEMOLOGY OF HEPATOPROTECTORS, USED IN PATIENTS WITH LIVER CIRRHOSIS, RECEIVED TREATMENT IN SOME MEDICAL CENTRES OF KHOREZM REGION

ANNOTATION

Retrospectively, 239 cases history of patients with liver cirrhosis who received treatment in some medical centres of

Khorezm region were studied by pharmacoepidemiological methods. For the study the questionnaire included 38 items of hepatoprotectors used in the practice of medicine in Uzbekistan. It is revealed that pharmacotherapy of patients with liver cirrhosis who received treatment in some medical centres of Khorezm region, the moderate severity of the pathological process and in compliance with the guidelines recognized by the world community of gastroenterologists. In the treatment of patients with cirrhosis of the liver doctors used hepatoprotectors separately and in combination.

Key words: liver cirrhosis, pharmacoepidemiology, hepatoprotectors.

Бутун дунё бўйича ҳар йили 40 миллион инсонда вирусли жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциномадан (вирусли гепатит В ташувчилари томонидан келиб чиқадиган) ўлим кузатилади. Маълумки, жигар циррози аёлларга нисбатан эркакларда 3:1 нисбатда кўпроқ учрайди ҳамда барча ёшдаги инсонларда ривожланиши мумкин, аммо 40 ёшдан ўтган инсонларда кўпроқ учраши аниқланган [2, 3].

Кўпгина ҳолатларда жигар циррозига алкоҳол, В, С ва Д турдаги вирусли гепатитлар ва паразитар инфекция сабаб бўлиши мумкин. Камдан-кам ҳолларда ўт йўллари касалликлари, сурункали юрак етишмовчилиги димланишлари, турли хил кимёвий моддалардан ва дорилардан интоксикациялар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жигар хўжайралари агрессив бирикмалар – захарлар, эркин радикаллар, бактерия ва инфекция вируслар тасирида тез зарарланади. Шундай бўлишига қарамасдан 10-30% ҳолатларда касаллик этиологияси ноаниқ бўлиб қолмоқда [5, 8].

Маълумки, жигар организмда бўладиган асосий метаболик жараёнларда фаол иштирок этади. Унинг зарарланиши метаболизмнинг, иммун жавоб, детоксикация ва антимикроб химоя каби муҳим омилларнинг бузилишига олиб келади. Ушбу касаллик гормонал ва метобалик бузилишлар, сифатсиз овқат маҳсулотлари, меъридан ортиқ спиртли ичимликлар ва дори препаратларини қабул қилиш натижасида гепатоцитларда оксидатив стрессни келтириб чиқаради [6,7]. Жигар касалликларини даволашда бошқа препаратлар билан бир қаторда катта арсеналга эга бўлган гепатопротекторлар кенг қўлланилади [1,4]. Аммо, бу препаратларнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги шу бугунгача фармакоэпидемиологик усуллар ёрдамида ўрганилган эмас.

Шунинг учун ҳам мазкур ишда фармакоэпидемиологик усуллар билан Хоразм вилоятидаги айрим тиббиёт муассасаларида жигар циррози билан даволанган беморларда қўлланилган гепатопротекторларнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги, уларнинг қўлланилиш истиқболлари ўрганилди. Даволашнинг фармакоэкономик асосларига эса бундан кейинги ишларимизда батафсил тўхталишга қарор қилдик.

Материал ва усуллар. Хоразм вилоятидаги тиббиёт муассасаларидан вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, РШТЁИМ Хоразм филиали, Урганч шаҳар 1-сон поликлиникаси, Хонқа ва Хива туманлари тиббиёт бирлаш-маларида жигар циррози билан даволанган 239 нафар беморнинг касаллик тарихи

фармакоэпидемиологик усуллар ёрдамида (касаллик тарихларидан анкета маълумотларини йиғиш йўли билан) ретроспектив (2006 йилдан 2016 йилгача) тарзда ўрганилди. Анкетага мамлакатимизнинг амалий тиббиётида ишлатилиб келинаётган, давлат рўйхатидан ўтказилган 38 номдаги гепатопротектор препаратлар киритилди.

Ўтказилган терапияда гепатопротекторларнинг қўлланилганлигига, уларнинг самарадорлигига ва хавфсизлигига катта эътибор қаратилди. Барча маълумотлар Стъудент усули бўйича статистик жиҳатдан ҳисоблаб чиқилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Олинган маълумотларга кўра, 239 нафар беморнинг 116 нафарини эркаклар (49%) ва 123 нафарини аёллар (51%) ташкил этди. Шулардан 81 нафари (34%) шаҳар ва 158 нафари (66%) қишлоқда яшовчилардир. Ушбу беморларнинг 8 нафари олий маълумотли, (3%) 231 нафари эса (97%) ўрта ва ўрта махсус маълумотлидир. Беморларнинг ёшига кўра таҳлил ўтказилганда 17 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар 50 нафарни (21%), 40 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар 135 нафарни (56%), 60 ёшдан 84 ёшгача бўлганлар эса 54 нафарни (23%) ташкил этди. Уларнинг сурункали камқонлик билан касалланганлари 127 нафарни (53%), вирусли гепатит би-лан касалланганлари 72 нафарни (30%), портал гипертензия ва асцит билан асоратланганлари эса 195 нафарни (82%) ташкил этди. Беморларнинг 223 нафарига (93 фоизига) асосий гуруҳ препаратларидан 17 турдаги гепатопротекторлар алоҳида ёки ўзаро қўлланилган ҳолда тавсия этилган. Жигар циррозидида қўлланилган гепатопротекторларни беморларга тавсия этилганлиги ҳолати таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар қўлга киритилди: 239 нафар беморнинг 22 фоизиди (53 нафар) битта гепатопротектор тавсия қилинган бўлиб, улардан энг кўп қўлланилгани Урсасан ва Эссенциаллардир, 32 фоизиди (76 нафар) иккитаси ўзаро комбинацияда тавсия қилинган бўлиб, энг кўп комбинация бу Эссенциал-Рибоксинлардир, 26 фоизиди эса (61 нафар) учта препарат комбинация қилинган бўлиб, энг кўп комбинация бу Эссенциал-Рибоксин-Карсиллардир, 14 фоизиди (33 нафар) эса тўртта препарат комбинация қилинган бўлиб, энг кўп комбинация Эссенциал-Рибоксин-Тиотриозалин-Урсосанлардир. Беморларнинг 6 фоизиди (16 нафар) гепатопротекторлар умуман қўлланилмаган. Қўшимча даво сифатида эса оғриқ қолдирувчилар, спазмолитиклар, ўт ҳайдовчилар, яллиғланишга қарши, иммуностатик, глюкокортикостероид ва бошқа препаратлар тавсия этилган (1-жадвал, 1-расм).

1-жадвал


Ўрганиш учун ажратиб олинган ва анкетага киритилган 38 номдаги гепатопротекторлардан бирор марта ҳам қўлланилмаган 21 номдаги препарат рўйхати:

1	Гепатофляк-Планта	12	Бензобарбитал
2	Цианиданол	13	Метадоксин

3	Артишок барглари экстракти	14	Метилурацил
4	Гепатосан	15	Эссливер
5	Адеметионин	16	Бемитил
6	Орнитин-аспартати	17	Ливалин
7	Глутамин-аргинин	18	Гепабене
8	Лактулоза	19	Калий оратат
9	Флумецинол	20	УДХК
10	Легалон	21	Галстена
11	Гепанорм		

Ўрганилаётган гепатопротекторлар ичидан энг кўп қўлланилган препарат Эссенциал (162 нафар беморда) бўлиб, у 31% беморда ишлатилган (2-жадвал). Рибоксин препарати қўлланилиш бўйича иккинчи ўринни эгаллайди ва жами 24,4% (128 нафар) беморда қўлланилган. Урсосан препарати 59 нафар беморда қўлланилган бўлиб, бу 11,3% ни ташкил этади. Тиотриозалин препарати жами 54 нафар беморда қўлланилган бўлиб, бу 10,3% ни ташкил этади.

Карсил препарати жами 38 нафар беморда қўлланилган бўлиб, бу 7,3% ни ташкил этади. Апкасул препарати жами 21 нафар беморда қўлланилган бўлиб, бу 4% ни ташкил этади. Гепамерц препарати жами 12 нафар беморда қўлланилган бўлиб, бу 2,3% ни ташкил этади. Қолган 12 та препарат эса ҳаммаси бўлиб 9,4% беморларда қўлланилган ва қўлланилиш частотаси 1 нафардан 10 нафаргача беморни ташкил этади.



1-расм. Ўрганиш учун ажратиб олинган 38 номдаги гепатопротекторлардан даволашда қўлланилган 17 номдагиларининг қўлланилиш частотаси

2-жадвалдан кўришиб турибдики, ўрганилаётган 239 нафар беморнинг 223 нафарида жами 523 та гепатопротектор қўлланилган ва бу ҳар бир беморга 2,3 та препаратдан тўғри келганлигидан далолат беради.

Тадқиқ этилаётган 38 та номдаги гепатопротекторлардан қолган 21 таси стационардаги беморларни даволашда умуман қўлланилмаган. Шундай бўлишига қарамадан вилоят тиббиёт муассасалари шифокорлари касалликларни даволашда яхши самарадорликка эришганлар. Жумладан, даволанган 239

нафар беморнинг 214 нафарининг (89,5%) умумий аҳволи яхшилланган, 16 нафарида (6,7%) ўзгаришлар деярлик кузатилмаган, 5 нафарининг (2,1%) умумий аҳволи ёмонлашган ва 4 нафарида (1,7%) ўлим кузатилган. Беморлар касаллик тарихларининг таҳлили шуни кўрсатадики, беморлар аҳволининг ёмонлашуви ва ўлим ҳолатларининг юзага чиқиши қўлланилган гепатопротекторлар билан боғлиқ бўлмасдан, балки беморлар умумий аҳволининг ўта даражада оғир эканлиги билан боғлиқ деб баҳоланган.

2-жадвал.

Ўрганилган беморларда жигар циррозида қўлланилган гепатопротекторларнинг ўзаро нисбати

Т/р	Препарат номлари	Жигар циррозида	Фоизда
1	Эссенциале	162	31%
2	Рибоксин	128	24,4%

3	Урсосан	59	11,3%
4	Тиотриазолин	54	10,3%
5	Карсил	38	7,3%
6	Апикасул	21	4%
7	Гепамерц	12	2,3%
8	Гептрал	10	1,9%
9	Сирепар	9	1,7%
10	Эссел форте	8	1,5%
11	Лив-52	8	1,5%
12	Бонжигар	6	1,2%
13	Гепаториц	3	0,6%
14	Липовая кислота	2	0,4%
15	Фосфоглив	1	0,2%
16	Сибектан	1	0,2%
17	Резалют	1	0,2%
	Ҳаммаси:	523	100

Шундай қилиб, юқоридаги натижалардан келиб чиққан ҳолда Хоразм вилоятининг айрим тиббиёт муассасаларида жигар циррози билан ҳасталанган беморларни даволашда келтириб ўтилган 17 та номдаги гепатопротекторларни алоҳида ёки ўзаро комбинация қилинган ҳолда қўллаш орқали даволаш ишларини олиб бориш ижобий самаралар берар экан. Аммо, тадқиқ этилаётган 38 номдаги гепатопротекторнинг фармако-экономик таҳлили кейинги ишларимизда ўрганилиши

кўзда тутилган.

Хулоса:

1. Хоразм вилоятида жигар циррози билан ҳасталанган беморларни даволашда гепатопротекторларнинг катта арсеналидан асосан 17 та номдагисидан фойдаланиб ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин.
2. Жигар циррозини даволашда қўлланилган гепатопротекторлар комбинирланган ҳолатда ишлатилганда юқори самарадорликка эга экан.

Список литературы/Iqtiboslar/References

1. Бекчанова Ю.Х. Хоразм вилоят Хонқа тумани тиббиёт бирлашмасида гепатобилиар тизим касалликларини даволашда қўлланилган гепатопротекторларнинг фармакоэпидемиологияси // “Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент – 2014, Б.95-96
2. Клинические рекомендации Российского общества по изучению печени и Российской гастроэнтерологической ассоциации по лечению осложнений цирроза печени / Ивашкин В.Т., Маевская М.В., Павлов Ч.С. и др. // Рос. журн. гастроэнтерол., гепатол., колопроктол. – 2016. - Т. 26, № 4. - С. 71-102.
3. Патогенетический подход к выбору гепатопротекторов в терапии лекарственно-индуцированных поражений печени / Яковенко Э.П., Агафонова Н.А., Яковенко А.В., Иванов А.Н., Ковтун А.В. // “Лечебное дело”. 2017. №2. С. 34-40.
4. Фармакоэпидемиология гепатопротекторов, использованных для лечения больных в стационарах города Ургенча Хорезмской области / Исмоилов С.Р., Бекчанова Ю.Х., Рузмаматов Ш.С., Рузмаматов Б.С. // Вісник проблем біології і медицини, випуск 1 (106), 2014, С.111-115.
5. Эпидемиология хронической HCV-инфекции в Прибайкалье и Монголии / Малов С.И., Малов И.В., Дагвадорж Я. и др. // Сибирский медицинский журнал (Иркутск). -2012. - Т. 112. №5. - С.107-110.
6. Does this patient with liver disease have cirrhosis? / Udell J.A., Wang C.S., Tinmouth J. Fitz.GeraldJ.M. et al. // JAMA: the journal of the American Medical Association, 2012, Feb 22, 307 (8): 832-42.
7. Long-term Safety and Efficacy of Rifaximin for the Maintenance of Remission from Overt Hepatic Encephalopathy in Patients with Cirrhosis (submitted) / Mullen KD, Sanyal A, Bass NM, Poordad F, Sheikh MY, Frederick RT, et al. // Submitted. 2013.
8. Jennifer F.Frontera. Management of hepatic encephalopathy // Current treatment options in neurology, May 2014. 16: 297.